КУТУБХОНАСИ
ТЕДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

2007 ЙИЛ, 20 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 230 (11.039) | Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2007 йил 16 ноябрдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан топширилган ҳужжатларни кўриб чиқди.

Қонунда белгиланган муддатда ўтказилган текширув натижаларига кўра, ишчи гуруҳлари тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мослиги хусусида ўз хулосаларини берди. Марказий сайлов комиссиясининг мазкур мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди: Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан —Аслиддин Ашурбаевич Рустамов, 1962 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; "Адолат" социал-демократик партиясидан — Дилорам Гафурджановна Ташмухамедова, 1962 йилда туғилган, "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; сайловчилар ташаббускор гуруҳидан —Акмал Холматович Саидов, 1958 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси; Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан —Ислом Абдуғаниевич Каримов, 1938 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти. Рўйхатга олинган номзодлар илгари сиёсий партиялар қурултойлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилган.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур бўлган миқдордаги имзоларини тўплай олмади ва ушбу партиялар бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилди. Мазкур ахборот инобатга олингани қайд этилди.

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов журналистларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида муҳокама этилган масалалар — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш, уларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти бошланганлиги ҳақида маълум қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига асосан, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳига бунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 14 ва 28-моддаларига биноан, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрида қарор қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле ҳамда радиоканалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан чиқишлари жадвали, шунингдек, "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" республика газеталарида номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурларини чоп этиш жадвалини тасдиқлади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ёритиш, сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир тадбирлар белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловчиларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини етказиш бўйича тенг шароит яратиш мақсадида ҳар ҳафта радио ва телевидениеда тенг эфир вақти берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари, сайловчилар билан учрашувлари ҳақида туркум видео ва радиороликлар, теле ҳамда радиоэшиттиришларни эфирга мунтазам узатиш режалаштирилди. Номзодларнинг илтимосларига биноан, уларга тенг шароитда исталган ҳажмда қўшимча бепул эфир вақти берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатган ҳар бир сиёсий партия ўз матбуот органига эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳи учун ҳам тенг имконият яратиш мақсадида сайловолди ташвиқоти учун муассиси нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳисобланган "Жамият" газетасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Брифингда оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун тенг шароитлар тамойили партия нашрлари ва "Жамият" газетасига жорий этилмаслиги қайд қилинди. Улар ўзлари зарур деб ҳисоблаган ҳажмдаги тегишли материални чоп этиш ҳуқуқига эгадир.

Брифинг иштирокчиларига, шунингдек, 2000 ва 2004 йиллардаги сайловларни ўтказиш тажрибаси ҳамда ташкил этилган сайлов участкалари сонини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурлари акс этган тегишли плакат ва рисолаларнинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида чоп этилиши ҳақида маълумот берилди.

Брифингда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ барча сарф-харажатлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**ЎзА.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## 2011 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИКАВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Фармацевтика тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек республика аҳолисининг маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш мақсадида:

1.Қуйидагилар 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

республика аҳолиси, даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг маҳаллий дори-дармон ва тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосида уларни ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сарф-харажатларини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларининг саноат миқёсида ишлаб чиқарилишини таъминлаш, энг аввало ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни даволаш учун уларни маҳаллий хомашёдан тайёрлаш бўйича илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини амалга ошириш.

2. «Ўзфармсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, фармацевтика тармоғи корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури маъқуллансин, унда қуйидагилар назарда тутилади:

2007-2011 йиллардаги даврда фармацевтика саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ;

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг прогноз параметрлари ҳамда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция таклифлари рўйхати 2 ва 3-иловаларга мувофиқ.

«Ўзфармсаноат» ДАК бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммаларига фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг мақсадли прогноз параметрлари тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзфармсаноат» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини яхшилаш, уларнинг аҳолига, биринчи навбатда пенсионерлар, ногиронлар ва қариялар учун мақбул нархларда ишлаб чиқарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берган ҳолда, чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

аҳолига ҳамда даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари ходимларига маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг турлари тўғрисида мунтазам ва тизимли асосда ахборот бериб борилишини, шунингдек маҳаллий дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ҳар йилги савдо-ярмаркалари ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» АК билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига бўлган талабни ўрганишга йўналтирилган маркетинг сиёсатини доимий асосда олиб боришни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда республика корхоналарида янги дори субстанциялари ва тайёр дори воситаларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришни таъминлаш учун уларни маҳаллий хомашёдан тайёрлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар ўтказсин ва инновация ишланмаларини яратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда энг кўп тарқалган касалликлар турлари бўйича маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган препаратлар ва тиббиёт буюмларини ҳисобга олган ҳолда 2008-2011 йилларда республика даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолисини таъминлаш учун зарур бўлган дори воситалари ҳажми ва турларини аниқлаш мақсадида даволаш стандартларининг тизимлаштирилишини якунласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 19 ноябрь*

### ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Ватан тимсоллари» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Эндокринология маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ва «Умид» жамияти ҳамкорликларида Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб уюштирилган тадбирда қандли диабет хасталигининг олдини олиш чора-тадбирлари, хусусан, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида талабалар, ўқитувчилар, шоирлар, ёзувчилар иштирокида ўтказилган хотира кечаси Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадийтаваллудининг 90 йиллигига бағишланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

### XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши кун тартибидан қуйи палата ялпи йиғилиши муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари жой олди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича Нишон тумани ҳамда Қарши шаҳар ҳокимликлари доимий комиссияларининг йиғилишларида шу ҳақда сўз борди.**

**● Кеча Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида «Марказий Осиё трансконтиненталь транспорт кўприги: салоҳият ва тараққиёт истиқболи» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

**● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишлаб «Бунёдкорлик йўлидан» мавзуида фото ва расмлар кўрик-танлови ташкил этилди.**

**● Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Ўзбекистонда, хусусан, қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шароитининг изчил яхшиланиши» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

**●Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси, Миср маданият маркази ҳамда «Ҳамдўстлик» аёллар клуби академик лицей ва касб- ҳунар коллежлари талабалари, шунингдек, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун «Миср ҳақида нималарни биласиз?» мавзусида танлов эълон қилди.**

**●Жиззах вилояти кўз касалликлари шифохонасида 350 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.**

**●Когон туманидаги Янги ҳаёт қишлоғи яна бир қадамжо билан бойиди. Бу ерда Ислом оламининг орифларидан саналган ҳазрат Саййид Мир Кулол зиёратгоҳи мутлақо янги қиёфага эга бўлди.**

### ЖАҲОНДА

**● Покистон Президенти Парвез Мушарраф парламент сайловлари санасини эълон қилди. Маълумотларга кўра, мамлакатда парламент сайловлари 2008 йилнинг 8 январида ўтказилади. Бироқ Президент сайлов даврида фавқулодда ҳолат бекор қилиниши ёки йўқлиги тўғрисида маълум қилмаган.**

**● Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида икки кун давомида нефть экспорти билан шуғулланувчи мамлакатлар ташкилоти — ОПЕКнинг учинчи саммити бўлиб ўтди. Саммитда глобал иқтисодий таназзул хавфининг олдини олиш, долларнинг қадрсизланиши, дунё бозорига хом ашё етказиб бериш хавфсизлиги ва барқарорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.**

**● Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони «Олға, Италия» ҳаракати негизида ташкил этилган янги «Италия халқ озодлиги партияси» тузилганлигини маълум қилди. Берлусконининг таъкидлашича, янги партия кейинги ўн йилликда Италиянинг етакчи сиёсий кучи бўлади.**

**● Бугун Буюк Британия қироллиги оиласи Мальтада бриллиант тўйини нишонлайди. Зеро, мамлакат қироли ва қироличасининг турмуш қурганлигига бугун 60 йил тўлади.**

**● Донецкдаги Засядько номли шахтада 1078 метр чуқурликда метан гази портлаши натижасида конда бўлган 457 нафар шахтёрдан 357 нафари қутқариб олинди. Бахтсиз ҳодиса оқибатида 80 нафар кончи ҳаётдан кўз юмган, 20 нафар шахтёрнинг тақдири ҳозирча номаълум. Шу ҳодиса муносабати билан бугун Украинада мотам куни эълон қилинди.**

**● Бангладешнинг жануби-ғарбий ҳудудига хуруж қилган «Сидр» тропик тўфони оқибатида 3100 нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Соатига 200 километр тезликда эсган шамол 20 миллион нафар аҳолини бошпанасиз қолдирган. Бангладеш ҳукумати қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш учун жаҳон ҳамжамиятидан ёрдам сўради.**

**● Бир ҳафтадан буён давом этаётган Франциядаги транспортчиларнинг иш ташлашига кеча давлат хизматчилари ҳам қўшилди. Маълумотларга кўра бир кунлик иш ташлаш мамлакатга 300-400 миллион евролик иқтисодий зарар етказмоқда. Норозилик намойишларига мамлакат Президентининг пенсия соҳасида жорий этган янги ислоҳотлари сабаб бўлмоқда.**

**● Испания пойтахти Мадрид мамлакатнинг йирик шаҳри —Барселона ҳамда бошқа шаҳарларда кеча антифашистлар намойиши бўлиб ўтди. Улар шу йилнинг 11 ноябрь куни неофашистлар томонидан 16 ёшли ўсмирнинг ўлдирилишига қарши намойиш ўтказишди.**

**● Британия музейининг энг катта залларидан бирида Хитой императори Цинь Шихуанди хобгоҳидан келтирилган терракот ҳайкалчалари кўргазмаси бошланди.**

## Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИ

**МУСТАҚИЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ 16 ЙИЛЛИК ДАВРИ МОБАЙНИДА ВАТАНИМИЗНИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР МИСЛСИЗДИР. РЕСПУБЛИКА МУСТАБИД БОШҚАРУВ ВА СОБИҚ ШЎРОЛАР ТОТАЛИТАР ТИЗИМИДАН ХАЛОС БЎЛИБ, ЎЗИНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИНИ БОШЛАДИ. ХАЛҚИМИЗ ЎЗИНИНГ МУНОСИБ, ЭРКИН ВА ОЗОД ДАВЛАТИНИ БУНЁД ЭТМОҚДА. БУ ҚИСҚА ТАРИХИЙ ДАВРДА БАРЧА СОҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН УЛКАН ИШЛАРНИ ЯНАДА ЯҚҚОЛРОҚ ТАСАВВУР ЭТИШ УЧУН ШЎРО ТИЗИМИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРИДА ВАТАНИМИЗДА ЮЗАГА КЕЛГАН СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АҲВОЛНИ БИР КАРРА ХАЁЛДАН ЎТКАЗИШ, БУГУНГИ ЁРУҒ КУНЛАРИМИЗ БИЛАН ТАҚҚОСЛАШ КИФОЯДИР.**





Тарихимизнинг шу қисқа лаҳзасида барча ўзгариш ва янгиланишларнинг қаторида баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳаммани ҳайратда қолдирмоқда. Бундан 10 йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши билан бошланган мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ислоҳотлар бугун 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг босқичма-босқич амалга ошириб борилиши жараёнида жадал суръатлар билан давом этмоқда. Пойтахтимиз ва вилоят марказларидан ташқари, чекка-чекка туман, қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, маданият ва спорт мажмуалари қурилиб, ёшларимиз учун билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш имкониятлари яратилди. Ўтган давр ичида мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилган ишлар ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини зўр қувончу ифтихорга тўлдирмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижроси юзасидан фақатгина Тошкент шаҳри халқ таълими муассасалари учун 2004-2007 йилларда ажратилган 26,3 миллиард сўм маблағ ҳисобига 137 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди, жумладан 3 та янги мактаб қурилди, 7 та таълим муассасаси капитал реконструкция қилинди, 65 та таълим даргоҳи капитал ҳамда 62 таси жорий таъмирдан чиқарилди.

Тошкент шаҳридан умуммиллий дастурга киритилган 314, 116, 30, 6 ва 167-сонли мактабларни таъмирлаш ва жиҳозлашга пойтахт ҳокимлиги томонидан 3 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча маблағлар йўналтирилди.

Мана шу мисоллар замирида мамлакатимизда изчиллик билан жорий этилаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қандай самаралар бераётганининг бевосита гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик йилларида сиёсий , ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари қанчалик ислоҳ этилгани, ислоҳ этилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамиятимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг барчасида инсон манфаатлари кўзланган.

Президентимиз маърузаларида таълим соҳасидаги ислоҳотларга тўхталар эканлар, жумладан: "Ўз-ўзидан аёнки, янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга", —деб уқтириб ўтган эдилар. Бу фикрлар ва амалий ишлар халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ҳисобланган ЮНИСЕФ экспертлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларимизга юксак баҳо беришиб, Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун катта маблағ ажратилаётганига эътибор қаратиб ўтганлар. Мазкур нуфузли ташкилот таълим эҳтиёжлари учун ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизи сарфланаётганини алоҳида қайд этиш билан бир қаторда Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳукуматларини ушбу мақсадлар учун харажатларини кўпайтириб, уларни ҳеч бўлмаганда бугунги кундаги 3-4 фоиздан 6 фоизгача оширишга даъват қилмоқда.

Мамлакатимиз, шунингдек, пойтахтимиз таълим тизимида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, жумладан, таълим тизимининг моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат, ҳомий ташкилотларнинг ҳам иштирок этилаётганлиги юртимизга ташриф буюраётган хорижий мутахассисларда катта қизиқиш билан бир қаторда ҳайрат уйғотмоқда.

— Ростини айтсам,— дейди Корея Республикасининг Тошкент шаҳридаги таълим маркази директори, жаноб Ким Ждонг Сок, — мамлакатингизда таълим тизимини ташкил этиш масалалари кўпгина хорижий давлатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Менимча, чет эллик ҳамкасблар ҳам, биз ҳам сизлардан бу борада кўп нарсани ўргансак арзийди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида юртимиздаги умумтаълим муассасаларида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар ўқувчилар билими самарадорлигига ва сифатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, мактаб инсон камолотида катта аҳамиятга эга бўлган улуғ маскан. Шундай экан, ҳар бир ўқувчи ўз мактабини севиши, унга меҳр қўйиши, бир сўз билан айтганда, ўз мактаби билан фахрланиши керак. Бу кўп жиҳатдан педагог ходимларнинг бугунги кундаги саъй-ҳаракатлари, бераётган тарбиясига боғлиқ.

Ўқувчи-ёшлар олдида турган вазифа — мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб ўз билимларини ошириш билан бирга мебеллар ва ўқув жиҳозлари, лаборатория ускуналари, мактаб биносини кўз қорачиғидек асрашдан иборат. Бу ишларни яхши йўлга қўйиш, ўқувчиларда халқ, жамоа мулкига ҳурмат, дахлдорлик ҳиссини уйғотиш зарурати бугунги кунда таълим ходимлари олдидаги долзарб вазифа саналади. Бунинг тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир.

"Мактабга эътибор — келажакка эътибор" деган олижаноб шиор асосида умумиллат, умумхалқ дастурига айланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишда давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари билан бир қаторда ҳомийларнинг саховатга тўла ибратлари ўқувчи-ёшларнинг ҳам, ота-оналарнинг, кенг жамоатчиликнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Жумладан, 2004-2007 йилларда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 342 ва Чилонзор туманидаги 262-мактабгача таълим муассасалари, С.Раҳимов туманидаги 28-мактаб биносининг тўлиқ қайта қурилиши, Шайхонтоҳур туманидаги 169, Яккасарой туманидаги 144, С.Раҳимов туманидаги 243-мактабларнинг капитал таъмирлашдан чиқарилиши ва мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланишига ҳомий ташкилотлар томонидан 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлигининг ўзиёқ мактабга эътибор умуммиллий, умумхалқ ишига айланганлигининг ёрқин ифодасидир. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, пойтахтимиз мактабларида олиб борилган қурилиш ишлари натижасида вужудга келган янги мактабларнинг бинолари ва ушбу мактабларнинг ҳозирги замон андозаларига мос келадиган жиҳозлар билан таъминланиши натижасида ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки "XXI аср мактаби" нинг андозаси юзага келди.

Давлатимиз раҳбарининг қайд этилган маърузасида ўтган йиллар мобайнида замонавий, ҳар томонлама жиҳозланган ўқув юртларини барпо этиш учун 5 миллиард доллардан ортиқ бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарфланганлиги айтиб ўтилган эди. Шундан сўнг киши ўйланиб қолади: давлат олдида унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатда ички барқарорликни сақлаб туриш каби қанчалик муҳим ишлар туриб, натижаси йиллар ўтиб пайдо бўладиган соҳага бунчалик эътибор берилганлигининг маъноси нимада эди?

Ушбу саволга маъруза билан танишган киши "Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир" деган изоҳ талаб қилмайдиган жавобни топа олади. Пойтахтимиз халқ таълими ходимлари мамлакатимиздаги ҳамкасблари каби Президентимиз томонидан ўқитувчи-мураббийларнинг ўз меҳнат маҳсули ҳисобланган янги авлодга шунчалик юксак баҳо берилганлигидан ғурурланадилар. Мустақиллик йилларида нафақат шаҳарларда, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам қад кўтарган мактабларнинг бинолари, уларда таълим тарбия жараёнини ташкил этиш учун нимаики зарур бўлса муҳайё этилганига шукрона келтирадилар. Бундан 15-20 йил аввалги ва ҳозирги ҳолатни бир-бирига таққослаш асносида ўша машъум даврларда ҳукм сурган инсонга нисбатан беписандлик ўрнига ҳозирги дориломон кунларда амалга оширилаётган ҳар бир эзгу иш инсон қадрини юксалтираётганлигини кўрамиз. Натижаси эса, ўқувчиларимизнинг фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида эришган ғалабалари, ўқитувчиларнинг илғор педагогик технологиялар асосидаги ютуқларида намоён бўлмоқда.

Бугунги мактабларимиздаги муҳит, ўқитувчилар ва ўқувчиларга разм солиб, уларни беихтиёр ўзимизнинг ўқувчилик давримиз билан солиштириб кўришга ҳаракат қилади киши. Катта ва ўрта ёшдаги фуқароларимиз хотирасида бўлса керак, бир хил қора ранглардаги партаю-доскалар шундоқ ҳам нимёруғ синфхоналарини бўғиб турарди. Биздан олдин ҳам бир неча авлод фойдаланиб, варақлари камайиб, ҳилвираб кетган дарсликлар нохуш кайфият уйғотарди кишида. Бугунги жаҳон андозаларидаги таълим муассасалари, ёруғ синф хоналари, ўқув лабораториялари, спорт кошоналари барчаси мустақиллик неъматларидир.

Тошкент шаҳридаги жами 299 та мактабдан 192 таси замонавий русумдаги компьютерлар билан таъминланганлигини қайд этар эканмиз, бу кўрсаткичлар 2001 йилга қараганда 27 баробарга ошганлигини ҳам таъкидлашимиз лозим бўлади. Ҳозирги кунда фан ўқитувчиларининг 12 номдаги электрон дарсликлардан фойдаланаётганликлари, 121 та мактабнинг интернет тармоғига улангани ва уларда интернет манзил (веб-сайт)лар очилгани, бугунги кунда шаҳар мактаблари ўқитувчиларининг 11836 нафари компьютер билан ишлаш малакасига эга бўлиб, саводхонлик даражаси 70 фоизга етганлигини инобатга оладиган бўлсак, пойтахтимиз таълим ходимлари "Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили"да талайгина муваффақиятларни қўлга киритдилар, деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ахир бир пайтлар кўз ўнгимизда тилсим сифатида гавдаланган компьютер билан нафақат ўқитувчилар, балки 317 минг ўқувчилар ҳам бемалол тиллашмоқдалар.

Ҳозирги ўқувчилар ўзлари учун яратилган имкониятларнинг қадрига етишлари, бугун улар билим олишда фойдаланаётган замонавий ўқув жиҳозлари эртага укалари, сингиллари учун ҳам асқотишини албатта ёдда тутишлари лозим, деб ўйлаймиз. Чунки иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган Ўзбекистонда сарфланган ҳар бир сўм мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоғи керак.

Ҳаётга теран нигоҳ билан назар ташласак, ана шу йўналтирилаётган маблағлар Давлат умуммиллий дастурининг умуммиллат, умумхалқ дастурига айланганлигининг яққол ифодаси эканининг шоҳиди бўламиз. Ушбу тарихий дастур мавжуд мактаб таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки биз орзу қилаётган янги авлодни тарбиялашда муҳим омилдир. Шунинг учун ҳам бугунги кун ўқитувчисининг зиммасидаги вазифа ўта масъулиятли бўлиб, улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ўқувчининг руҳиятида яшириниб ётган истеъдод булоқларини оча билишлари ва келажакда жамиятимиз ривожланишига ўз ҳиссасини қўша оладиган юксак маънавиятли, эркин фикрли, истиқлол ғояларига содиқ, фидойи, қалбида ватанпарварлик туйғулари жўш уриб турган ёшларни тарбиялашлари лозим.

Кечаги ўқувчилар билан бугунги ўқувчилар ўртасида ўзига яраша фарқлар бор. Бугунги ёш авлод мустақил фикрли, ахборот технологиялари тобора такомиллашиб бораётган жамиятда вояга етмоқда. Бу эса ўқитувчининг олдига ҳам қатор ўзига хос талабларни қўйиши табиийдир. Қўйилаётган вазифаларни амалга оширишда таълим соҳаси ходимлари кўрсатилаётган ғамхўрликни чуқур ҳис этмоқдалар. Президентимиз "Ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларимизни, мўътабар мураббийларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз", — деб кўп бора таъкидлайдилар.

Ўқитувчи мураббийларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эътиборни уларни ҳукуматимизнинг олий унвонлари, орден-медаллари билан тақдирланаётганларидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, Тошкент шаҳрида хизмат қилаётган 16442 нафар ўқитувчининг биттаси Ўзбекистон Қаҳрамони, 30 нафари "Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси", 27 нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", 4 нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси", 154 нафари эса республика орден ва медаллари соҳибларидир.

Ушбу ҳаётбахш ҳамда бир вақтнинг ўзида юксак марраларга чорловчи саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилиб борилиши натижасида юқори натижаларга эришаётган ўқитувчилар ойлик маошига қўшимча тарзда устама ҳақлар белгиланди.

Қолаверса, устоз-мураббийнинг меҳнатини муносиб қадрлаш мақсадида давлатимиз томонидан моддий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Эндиликда ўқитувчиларимиз фаолият самарадорлигига қараб, маънавий-моддий қўллаб-қувватланмоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида пойтахтдаги 16442 нафар педагог ходимлардан 4114 нафарига касб маҳорати учун 663 миллион сўмдан ортиқ, 4734 нафарига синфдан ташқари тарбиявий ишлар учун 475 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақларига қўшимча устама берилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида таълимнинг давлат ташкилоти шаклидаги муассасаларидан ташқари нодавлат-ҳусусий муассасалари ҳам пайдо бўлиши табиий ва зарур. Шуни ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳрида хусусийлаштирилган мактабгача таълим муассасалари сони 2 тадан 16 тагача кўпайтирилди. Бундан ташқари ижобий натижа бераётган "Боғча-мактаб" мажмуалари 25 тага, қисқа муддатли гуруҳлар сони 49 тага, махсус ва санаторий типидаги мактабгача таълим муассасалари сони эса 83 тага етказилди. Натижада 2001 йилда шаҳримиздаги мактабгача ёшдаги болаларнинг 52 фоизи мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олинган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 2,1 фоизга ошди.

Мактабгача таълим муассасаларида барча қулайликларга эга бўлган инглиз тили, мусиқа, жисмоний тарбия, қўл меҳнати каби кўплаб тўгаракларнинг мунтазам фаолият олиб бориши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ушбу масканларнинг кўпида "Ёш оналар мактаби" ташкил қилинганлиги ва ота-оналарнинг болалар тарбиясига жалб этилганлиги, ҳар бир байрамни алоҳида тайёргарлик асосида ўтказиб, уларга ота-оналарнинг таклиф қилиниши, уларнинг ўз фарзандлари ижросидаги куй-қўшиқ, рақсларни томоша қилиб кетишлари мактабгача таълим муассасалари билан ота-оналар ўртасидаги ҳамкорликлар мустахкамланаётганлигидан далолат беради.

"Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари"нинг ишлаб чиқилиши, янги "Мактабгача таълим тўғрисида Низом" ҳамда "Мактабгача таълим муассасаларининг намунавий Устави" яратилиб, амалиётга жорий этилиши бу соҳадаги ишларда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Мустақиллик йилларида мазкур тизимда аввалда мавжуд бўлмаган янги хўжалик-молиявий фаолиятни юритиш шароити яратилди. Бунинг натижасида биргина 2007 йил давомида қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳисобига бюджетдан ташқари топилган 572 миллион сўм маблағ тизим моддий-техника базасининг бойитилишига сарфланди ва бу таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини ошириш мақсадида етук кадрларни излаб топиш ва улар ишини оммалаштиришда "Йил ўқитувчиси", "Йил мактаби", "Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи", "Йилнинг энг яхши мактаб кутубхоначиси" каби тадбирлар ўзининг яхши самарасини бермоқда. Биргина "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2007" кўрик-танловининг шаҳар босқичида 871 нафари ўқитувчи совринли ўринларни эгаллагани, Республика босқичида эса иштирок этган 20 нафар ўқитувчидан 14 нафарининг фахрли ўринларни эгаллаши ўтказилаётган мазкур тадбирларга пойтахтимиз ўқитувчилари ниҳоятда қизиқиш билан ёндошиб, пухта тайёргарлик кўриб жиддий қараётганликларининг ёрқин далилидир.

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган фан олимпиадалари ҳам ўз самарасини бермоқда. Мана 6 йилдирки, Тошкент шаҳри ўқувчилари Республика миқёсида фахрли биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. Агар 2004-2007 йилларда халқаро фан олимпиадаларида 40 нафар пойтахт ўқувчиларининг совринли ўринларни эгаллаганликларини инобатга олсак, бу ўқитувчиларимиз ва ўқувчиларимизнинг мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини яратиш борасида самарали меҳнат қилаётганликларидан далолат беради.

Ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш масаласи ўқув жараёнини ташкил этишда энг муҳим омиллардан бири эканлиги сир эмас. Юртбошимиз ғамхўрликлари туфайли биринчи синфга қадам қўяётган ўғил-қизларимиз, шунингдек ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернат ўқувчилари бепул дарсликлар билан таъминланиб келмоқдалар. Ўқувчиларнинг дарслик билан таъминланганлик даражаси 2001-2002 ўқув йилидаги 90 фоиздан 2007-2008 ўқув йилида 98 фоизга етди. Асосийси эса, бу дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг мазмунан миллий қадриятлар руҳида бойитилганлиги, замонавий даражада безатилганлигидир.

Таъкидлаш жоизки, таълим тизимининг мазмуни халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллат тафаккури ва мафкурасининг энг илғор намуналари билан бойитиб борилмоқда. «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» туркумидаги фанларнинг жорий этилиши маънавий-маърифий тарбия мазмун-моҳиятини чуқурлаштириб, янада жадаллаштирди.

Бундан 16 йил аввал камдан-кам мутахассисларгагина маълум бўлган ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур давлатчилиги тарихи, ислом динининг одоб-ахлоқи меъёрлари, Абу Наср Форобийнинг фозил инсонлар ҳақидаги қарашлари, Имом ал-Бухорий ҳадислари, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби алломалар маънавий-маърифий мероси — миллат тарихининг ёрқин саҳифалари бугун ўқувчи ва талабаларнинг дарсликларидан жой олди. Бир сўз билан айтганда, қандайдир мавхум «коммунистик тарбия»га барҳам берилиб, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган тарбия шаклланди. Бу мунтазам ривожланиб борувчи жараён бўлиб, ёш авлод миллат маънавиятининг мангу булоқларидан баҳраманд бўлаверади.

Жорий йилда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари тўлиғича 9 йиллик таълимга ўтказилиб, 9-синфни тамомлаган 29010 нафар ўқувчилар касб-ҳунар коллежларига, 6760 нафар ўқувчилар академик лицейларга қабул қилинди. Бу эса уларнинг келажакда ўзларининг қизиқишлари ва қобилиятларига кўра касб эгаллашларига замин яратади.

Ҳар бир ота-она фарзанди комил бўлиб вояга етишини, Ватани олдидаги бурчини муносиб бажаришини орзу қилади. Маънавий баркамолликнинг илк босқичи эса юқори даражадаги жисмоний маданият ва спортга эътибор билан бошланади.

Президентимизнинг қуйидаги сўзларида буни янада чуқурроқ англаб етиш мумкин. «Спорт орқали боланинг дунёқараши ўзгаради. Кеча кўчада нима қилишини билмай юрган бола бирон-бир ҳунар ўрганади, ота-онасига ҳам бошқача кўз билан қарайди. Оилада меҳр-оқибат, аҳиллик кучаяди. Айниқса, ўғил болалар спорт майдонларида мардлик мактабини ўтайди. Турли мусобақаларда тобланган, чиниққан фарзанднинг иродаси мустаҳкам, эътиқоди бут бўлишини ёши улуғларимиз кўп таъкидлашади.

Шу боис, жисмоний тарбия ва спортнинг юртимиздаги ҳар бир хонадон-оилага кириб боришини таъминлаш ва шу орқали соғлом турмуш тарзини яратиш, уни тараққий топтириш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларидаги 333067 нафар ўқувчидан 146237 нафари мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт- соғломлаштириш ишларига жалб этилган. Уларнинг ихтиёрига 361 та спорт зали, 262 та футбол, 258 та волейбол, 252 та баскетбол майдончалари бериб қўйилган. Шу билан бирга Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида 25 та болалар ва ўсмирлар жисмоний тайёргарлик клублари, 5 та оммавий сузишга ўргатиш сув ҳавзалари, 3 та янги қурилган болалар спорт мажмуалари, 2 та майдон мавжуд бўлиб, мазкур иншоотларда жисмоний тарбия дарслари ўтказилмоқда синфдан ташқари спорт машғулотлари ҳамда «Умид ниҳоллари» спорт мусабақалари ташкил қилинмоқда.

Натижада Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида Тошкент шаҳар терма жамоаси аъзолари беллашувнинг 12 турида ғолибликни қўлга киритдилар. Пойтахт терма жамоаси Президентимизнинг «Умид ниҳоллари» иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ҳамда «Матиз» ва «Дамас» автомашиналари билан тақдирланди.

Бугун ахборот технологиялари асосида жамиятни ривожлантириб боришда, замон билан ҳамнафас қадам ташлашда турли-туман нашрлар, компьютер технологияси ва Интернет тармоғидан фойдаланишнинг ўрни беқиёсдир. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг «Республика аҳолисини ахборот –кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори «Эртага кутубхоналар қандай бўлади?», —деган саволга тўла-тўкис жавоб беради. Мазкур қарор асосида кутубхона ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши мактаб кутубхонаси ишини мазмунан такомиллаштиришга олиб келди. Замон талабларини ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ривожлантиришнинг турли жиҳатларини, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган ахборот-ресурс марказлари барча туманларда ташкил қилинди.

Шаҳар миқёсида «Мактаб—кутубхона—оила—жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирининг ўтказилиши натижасида 2006 йили мактаб кутубхоналарини бойитиш ва таъмирлаш учун 42 миллион сўм сарфланди.

Турғунлик йилларида хаёлимизга ҳам келмаган халқаро алоқалар, хусусан, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бугун фарзандларимизни хориждаги тенгдошларидан кам бўлмаган даражада тарбиялаш ишларида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан таълим соҳасидаги тажриба алмашувларнинг узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда ўзига хос ўрни ва роли бор. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси таълим соҳасида Корея Республикасининг Сеул шаҳри таълим департаменти билан 1995 йилдан буён ҳамкорлик шартномаси асосида иш олиб бормоқда. 2006 йилда 20 нафар информатика ўқитувчилари, 2007 йилда 18 нафар ўқитувчиларимиз Сеул шаҳрида тажриба алмашиб, ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Ўрнатилган ҳамкорликка биноан Сеул таълим департаменти томонидан 700 та замонавий ўқув компьютерлари 70 та мактабга ўрнатилди. 2007 йили Тошкентдаги 30 та мактаб ЮНЕСКО фаолиятида иштирок этиш учун тавсия қилинди.

Ҳамкорлик шартномасига биноан Тошкент шаҳридаги мактабларнинг рус тили ва адабиёти ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларидан 2006 йилда 17 нафари ва 2007 йилда 20 нафари Россияда малака ошириб қайтдилар.

Мана ўн бир йилдирки, Президентимизнинг ташаббуси ва таклифи билан ҳар бир янги йил алоҳида ном билан аталиб келинмоқда. Бу "Инсон манфаатлар йили" бўладими ёки "Аёллар йили", "Қарияларни қадрлаш йили" бўладими ёхуд "Меҳр-мурувват йили" – улар қандай ном билан аталмасин — барчасининг замирида мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини ошириш каби инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган вазифалар туради. Шу жумладан 2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай эътибордан мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёш авлод бебаҳра қолмаётир.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида 4,56 миллиард сўм маблағ ажратилиб 5 та Меҳрибонлик уйлари, 17 та махсус мактаб-интернатлари ва махсус мактабларга 22 та автобус берилди. Ногиронлиги оқибатида мактабга бориш имкониятига эга бўлмаган 55 нафар болаларга компьютерлар топширилди. 33 минг нафар кам таъминланган оилалардаги болалар қишки кийим-бош билан таъминландилар. Бу эса ҳукуматимиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчи ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик белгисидир.

Биз Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси билан танишар эканмиз, шаҳримиз таълим тизимига тегишли бўлган фикр-мулоҳазаларимизни "Таълим тизимидаги буюк ўзгаришлари силсиласи" деб номланиши жоиз деб топдик.

Мазкур маъруза билан танишган ҳар бир киши бу йиллар ҳақиқатдан ҳам тарихий ўзгаришлар даври бўлганига ишонч ҳосил қилади.

Биз истиқлол берган неъматларни, ислоҳотлар олиб келаётган самараларни ўз ҳаётимиз мисолида кўраяпмиз, ғурурланяпмиз.

Шу ўринда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган педагог ходимлар ҳамда таълим олаётган ўғил-қизлар, уларга яратилаётган имкониятлар яна бир бора фикр доирасидан ўтади. Шу аснода мамлакатимизда изчиллик билан жорий этилаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қандай самаралар бераётганининг бевосита гувоҳи бўлаётган минглаб ўқитувчи-устозлар, юз минглаб ўқувчилар-азиз дилбандларимизнинг қувончини тасаввур этиб у билан ғурурланамиз.

Республикамиз Президенти ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга киришилган дастлабки йилларда одамларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш ғоят муҳим, мураккаб масала эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Бу масалада айниқса ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгини, тафаккурини миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш барча ишларимизнинг асоси эканлигини доимо ёдда тутмоғимиз лозим.

**Даврон МИРТОЖИЕВ,**
**Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи**

*Асосий Қонунимиз —амалда*

# ОИЛА МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ, ФУҚАРОЛАРНИНГ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИНСОНПАРВАР ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ, АҲОЛИНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА МИЛЛИЙ ТОТУВЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА АСОСИЙ ҚОНУН — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. УНДА ЭНГ АВВАЛО, ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ, МАНФААТИ, ШАЪНИ ВА БОШҚА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАР ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАРДАН УСТУВОР ЭКАНЛИГИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВА ҚОНУНЛАР БИЛАН ҲИМОЯЛАНГАН.**

Шунингдек, Конституцияда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиланинг қонуний ҳимоя қилинишига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Бу Конституциямизнинг 63-моддасида тўла-тўкис ўз аксини топган. Унга кўра: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дея мустаҳкамлаб қўйилган.

Оилани муҳофаза қилиш тушунчаси кенг мазмунга эга. Бунда оиланинг дахлсизлигини, шаънини, қадр-қимматини ҳимоя қилиш, оила учун керакли моддий ва маданий-маиший шароитларни яратиш, болаларга таълим-тарбия бериш, меҳнат қобилиятини йўқотган оила аъзолари учун зарур бўлган моддий имтиёзлар туғдириш, оилани мустаҳкамлаш, шунга ўхшаш бошқа муаммоларни ҳал қилиш ҳамда давлат томонидан амалга оширишни тўғри йўлга қўйиш масалалари назарда тутилади.

Ҳозирда Ўзбекистон ҳукумати бу борада муҳим амалий ишларни бажаришни давом эттирмоқда. Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатлари, фаровонлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш борасида қонун ва қарорлар ҳам мавжуд. Бу эса давлатимизнинг оилага, оналик ва болаликка бўлган эътибори ва ғамхўрлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Конституцияси 65-моддасининг 2-қисмида назарда тутилишича: «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади». Ўзбекистон Оила қонунчилигининг асосий тамойилларидан бири — она ва болага ғамхўрликдир. Оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш масалалари фақат Оила Кодекси билангина тартибга солинмай, у биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигининг деярли барча соҳаларида назарда тутилган нормалар воситасида ҳам амалга оширилади. Масалан, Меҳнат кодекси, «Пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунларда оналарга берилган ҳуқуқ ва имтиёзларни муҳофаза қилиш усуллари ва чоралари белгилаб қўйилган ва кафолатланган.

Шунингдек, Конституциямизнинг 64-моддасида қайд этилишича: «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади».

Дарҳақиқат, Бош Қонунимизда белгиланган ҳар бир масала инсон ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини ҳимоялайди. Бу эса инсон манфаати юксак ва улуғ эканлигидан далолатдир.

**Сурайё ИЛЁСОВА,**
**Учтепа туман ФХДЁ бўлими иккинчи тоифали иш юритувчи котибаси**

**РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ, «ЎЗКИТОБСАВДО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА 2008-2009 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛГАН 1248 НОМДАГИ ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ ҲАМДА НАШРИЁТЛАРНИНГ ЭНГ САРА КИТОБЛАРИ, ҚЎЛЛАНМАЛАРИ ЎРИН ОЛГАН КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**



*Кўргазмалар*

# МАЪРИФАТГА ЧОРЛАР КИТОБЛАР

Бир ой давом этадиган кўргазмада «Янги аср», «Ўқитувчи», «Шарқ», «Ғафур Ғулом», Ўзбекистон миллий энциклопедияси ҳамда «Чўлпон» каби нуфузли нашриётлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар. Умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларининг ихтисослаштирилган кўргазма ярмаркаси республикамизда иккинчи маротаба ташкил қилинмоқда. —2008-2009 ўқув йили учун 243 номдаги 16 473 949 нусха, шундан, 1- синф ўқувчилари учун 80 номда 6163012 нусха кам таъминланган оила фарзандлари учун 19 хилдаги 235059 нусха, ижара тизими учун 137 номда 9502884 нусха дарсликларини чоп этиш режалаштирилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларида ўқув тарбия жараёнини ривожлантириш ва ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Йўлдош Асадов.— Шунингдек, информатика дарслиги етти номда 572994 нусхада чоп этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур кўргазмада 1248 номдаги дарслик ва адабиётлар намойиш қилинмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Республика умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан умумий таъминлаш 2005 йил бошида 82,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2006 йилда 92,1 фоиз, жорий йилда эса 95,7 фоиздан иборат бўлди ва китоб билан таъминлаш 5,9 фоизга ўсди. Бундан кўзланган мақсад эса, ягона, яъни келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин фарзандларимиз билимли, доно, оқил ва зукко бўлиб камолга етсинлар. Чунки китоб инсоният камолотида муҳим аҳамиятга эга.




Кўргазмага дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, кейинги ўқув йили учун мўлжалланган дарсликларнинг макетлари, болалар адабиётлари, шунингдек энциклопедиялар, луғатлар, қўшимча кўргазмали қуроллар қўйилган бўлиб, ташриф буюрганлар учун нашриёт ходимлари, (муҳаррирлар, дизайнер, рассомлар), Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика таълим марказининг фанлар бўйича методистлари иштирокида суҳбатлар уюштирилиб, тегишли тушунтиришлар ва тавсиялар берилмоқда.

Кўргазмага Тошкент шаҳри, пойтахт вилояти халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари ходимлари, мактаблар раҳбарлари, фан ўқитувчилари, кутубхоначилар ва ота-оналар таклиф этилган бўлиб, кўргазма жараёнида дарсликларнинг матбаа сифати, дизайни ҳамда мазмунига доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ҳам қайд этиб борилади. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини харид этиш учун буюртма бериш истаги бўлган муассаса раҳбарлари кўргазма залида ташкил этилган жойлардаги «Ўзкитобсавдо» ДАК ходимларига мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, дарсликлар ва ўқув адабиётларининг очиқ савдоси ташкил этилади ва ҳафта давомида нашриётларнинг тақдимотлари ўтказилиб борилади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**

**Алексей Попов олган суратлар**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Исроил қишлоқ хўжалик академияси мутахассислари оқ рангли янги зайтун навини етиштиришди. Лойиҳа раҳбари профессор Шимон Ливининг айтишича, олимлар муайян даражада зайтунлардаги қора рангли пигмент ўсишини тўхтатиш ва шу тариқа овқатланиш учун ишлатиладиган оқ зайтун навини чиқаришга муваффақ бўлишди. Янги мевалар кичик бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда каттароқ оқ зайтунни етиштириш мақсадида бошқа навлар билан селекция ишлари олиб борилмоқда.

● Уэльсдаги Бангор университети олимлари заминдаги энг қари тирик жонзотни топганларини маълум қилмоқдалар. Улар Исландия соҳилларида океан венуси турига кирувчи моллюскага дуч келишган. Чиғаноқлардаги ҳалқалар сонига қараганда унинг ёши 405-410 йилларга бораркан. Бу топилма ҳайвонлар ўртасидаги узоқ умр кўриш бўйича норасмий рекордни янгилади, дейди «BBC News». Олдинги рекорд ҳам моллюскага мансуб бўлиб, у 374 ёшни ташкил этган. Умри узун моллюскага Уэльс олимлари Мин деб ном беришди, чунки у дунёга келганида Хитойда айнан шу сулола императорлари ҳукмронлик қилишган. Моллюсканинг «болалик» даври Англияда қиролича Елизавета I мамлакатни идора қилган ҳамда буюк Шекспир яшаган йилларга тўғри келади. Бу жонзот Гиннеснинг рекордлар китобини бойитишдан ташқари, бундан юз йиллар олдин атроф-муҳитнинг аҳволи қандай бўлганлиги ҳақида олимларга маълумот беради. «Бу турдаги моллюскалар чиғаноғи ҳолатига қараб, у шаклланган иқлим, сув ҳарорати ва бошқа шароитлар ҳақида хулосалар чиқариш мумкин», дейишмоқда университет вакиллари.

● Ҳиндистонда Самбор деб аталадиган кўл бор. Унинг суви йилнинг етти ойида шўр, беш ойида эса чучук бўлиб тураркан. Шунингдек, сув таркибида ош тузини берадиган хлорли натрий ҳам мавжуд эканки, бу Ҳиндистоннинг марказий ҳудудини туз билан таъминлайди, демакдир. Тожикистоннинг жанубида Хожа-Мўмин деб номланадиган тоғнинг туздан бунёд этилганлигига ҳеч ким ишонмаса керак. Айтишларича, мазкур тоғдан овқат учун туз олинадиган бўлса, бутун ер юзига тахминан 100 миллион йилга етар экан. Япониянинг Кюсю оролида ярми сариқ, ярми қизғиш рангли кўл бор. Кўлнинг бундай рангларда кўриниши, сув тубида гугурт ва темир кукунлари борлигидан экан. Улар қўшилганда, кўл сиёҳ рангига кираркан.

● Банк деганда одатда кўз олдимизга ҳашаматли бинода пул билан ишлайдиган муассаса келади. Банк сўзининг аслида «стол» деган маънони англатишидан эса кўпчилик бехабар. Дарвоқе, бу сўз тарихи бизни ўрта асрларга етаклайди. Дастлабки банклар XIV асрда Италиянинг Венеция шаҳрида пайдо бўлгани хусусида тарихий маълумотлар бор. Гап шундаки, ўрта асрларда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тарқоқ давлатларнинг деярли ҳар бири ўзига хос пул тизимига эга эди. Пул тизимининг асосини эса танга ташкил қилиб, ҳар бир ҳукмрон ўз тангасини зарб этишга ҳақли бўлган. Баъзан қалбаки тангалар муомалага чиқарилган. Бу вазият савдогарларни саросимага солиб қўйган. Натижада бир давлат пулини иккинчи давлат пулига алмаштирадиган муассасаси тузиш зарурияти туғилди. Тангани алмаштириш қадимги Венециядаги ҳашаматли саройларнинг тош столларида олиб борилган. Шу тариқа пул сотиб олувчи ва сотувчи муассасаларни «банко» номи билан атай бошлашган.

● Мозамбик ҳукумати юз мингдан зиёд тимсоҳларни Жанубий Африка Республикасига экспорт қилишни мўлжаллаяпти. «Ассошиэйтед пресс» агентлигининг маҳаллий ахборот манбаларига таяниб, хабар беришича, ЖАРда тимсоҳ гўшти ва терисига талаб юқори даражада экан. Мозамбик ҳукуматининг тимсоҳларни четга сотишдан кутган мақсади иккита: аввало бу тадбир мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшади, қолаверса мазкур йиртқичлар ҳужумлари сабабли, содир бўлаётган ўлимлари миқдори камаяди. Айтиш керакки, Мозамбикда ҳар йили ўнлаб кишиларнинг ўлимига айнан тимсоҳлар сабаб бўляпти. Жанубий Мапуту ва Иньямбане вилоятларида, шунингдек, марказий Маника вилоятида тимсоҳ тухумларини тўплаш учун кўнгиллилардан махсус отрядлар тузилди.

● АҚШнинг Питтсбург шаҳри университетида ёрилиш арафасида турган мия томирларини «таъмирлаш» учун пластмасса елим яратилди. Бу ажойиб елим керакли жойга шприц ёрдамида юборилади ва бу тадбир кўп ҳолларда жарроҳлик тиғидан фойдаланишга ҳожат қолдирмайди. Шу мақсадда елимдан фойдаланишга авваллари ҳам уриниб кўрилган. Бироқ унда елим эгилувчан найча ёрдамида киритилган. Бу тадбир эса ниҳоятда мураккаб бўлиб, найча томирнинг барча тармоқлардан ўтиб бориши керак, қолаверса, елим керакли жойга сингишига ишониш ҳам қийин бўлган. Янгича усулда эса бемор бош суягининг керакли жойида кичкинагина тешик очилади, кейин махсус рентген аппаратининг назорати остида тешикдан ингичка шприц киритилади ва шифобахш елим айнан зарур жойга етказиб берилади.

# ҲАЁТИЙ ҲУКМ

Суҳбатдошим ёшгина, қадди-қомати келишган, ақли расо йигит. Ҳар бир сўзини ўйлаб, адолат юзасидан гапиради. Унинг ҳаяжонли ҳикоясини берилиб тингларканман, ўйланиб хаёлга толаман. Қани энди ҳамма ҳам шу йигитдек бўлса, билиб-билмай, баъзан турфа хаёллар, кимларнингдир аралашуви билан йўл қўйган ножўя қилмишларига ақл тарозуси билан баҳо берса, кеч бўлса-да ундан тўғри хулоса чиқарса дейман.

— Кўпни кўрган кексалар ҳаёт мураккаб, бахт кемтик, бир кам икки дунё, десалар ҳайрон бўлардим. Аслида бу сўзларни ушбу сир-синоатларни бошдан кечириб, турмуш чиғириғидан ўтказиб айтган эканлар, отахон, — дейди у бир нуқтага тикилганича ҳикоясини давом эттириб. — Ёшлигимда ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Бундай фикрга келишимга ҳам бир воқеа сабаб бўлган. Катта опамнинг турмуш йўлдоши оилавий можаро билан опамни уриб, жароҳатлаб ўлдириб қўйган. Унинг оиласи бадавлат, отаси каттагина бир идорага раҳбар эди. Суд адолатсиз ҳукм чиқарди. Жиноятчи қолиб, бутун айбни жабрланувчи томонига буриб юборди. Қотилга қилмишига яраша жазо бермади. Ота-онам суд ҳукмидан норози бўлиб, қанча югуриб-елишмасин, бирор натижа чиқара олмадилар. Жиноятчи уч-тўрт йил қамоқда ётиб, озодликка чиқди. Ана шунда улғайсам, албатта ҳуқуқшунос бўламан, инсонлар тақдирига бефарқ бўлмайман, ҳар бир жиноятга адолат юзасидан нуқта қўяман, деб ўзимга ўзим сўз бергандим.

Йиллар ўтгани сари шу орзуим қанот ёзаверди. Ўрта мактабни тугаллаб, юридик институтига ҳужжатларимни топширдим. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб талаба бўлдим. Учинчи курсда ўқиётганимда бир қиз билан танишиб қолдим. У тиббиёт институтида ўқир экан. Кунлар ўтган сари Садоқат билан бир-биримизга қаттиқ боғланавердик. Бора-бора кўришмасак туролмайдиган бўлиб қолдик. Ота-она олдидаги андишами, ийманибми, бу қиз билан орамиздаги муҳаббатни уйдагилардан сир тутдим. Улар эса бундан бехабар бир йиғинда яқин қариндошларимиздан бирининг қизини кўз остиларига олиб қўйишибди. Шу куни гапдан гап чиқиб, ота-онам қизнинг падарига шу ҳақда оғиз солишса у: «Ўғлингиз яхши, одобли йигит. Шундай йигитга қизимизни берсак арзимабдими?» деб сўз берибди. Кейинчалик бу гапни эшитиб, ҳайратда қолдим. Онамга «Нега мендан сўрамай иш тутдинглар» десам, «Уйланадиган вақтинг бўлди, ўзинг индамаганингдан кейин биз нима қилайлик. Ота-онанинг бурчи бўйига етган қизни турмушга бериб, ўғил уйлантириш. Кўриб турибсан, қариб қолдик. Кўзимиз тириклигида сенинг олдингдаги қарзимиздан қутулайлик, дедимда болам», деган гапни айтди.

Шу куни онамга Садоқат билан ўртамиздаги муҳаббатдан оғиз очдим. Онам бу ҳақда отамга айтганида у «Шундай экан, писмиқ ўғлинг нега бизга буни олдинроқ айтмабди, энди мен қариндошимизга нима дейман. Ахир уни ишонтириб қўйдикку. Лафзсизлик ёмон нарса, хотин. Ўғлингга айт, қариндошлар ўртасига совуқчилик туширмасин. Топган қизидан воз кечсин», дебди.

Очиғи мендан ўтди. Отамнинг юзига тик боқолмадим. Дардимни ичимга ютдим. Икки ўт ўртасида қолиб Садоқатга ҳам бу ҳақда оғиз очолмай юрдим. Бу ёқда тўй ҳаракати бошланиб кетди. Тешик қулоқ, охири Садоқатнинг ўзи бу ҳақда кимдандир эшитибди. Учрашдик, гаплашдик. У мендан қаттиқ хафа бўлди. Ниҳоят ялиниб-ёлворишимга қарамай мендан юзини буриб индамай туриб кетди. Оғир изтиробда қолдим.

Бу орада тўй бўлиб ўтди. Бироз муддат ўтиб Садоқатнинг дугонасини учратиб қолдим. Ундан сўраб-суриштирсам Садоқат бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолганлигини айтди. Қидириб- истаб шифохонага бордим. У менга ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Кечирим сўрадим. Индамай кўзларини юмиб ётаверди. Армон билан, ношудлигимдан пушаймон бўлиб унинг олдидан чиқиб кетдим.

Кўп ўтмай, Садоқатнинг вафот этганини эшитдиму, ҳангу-манг бўлиб қолдим. Нима бўлганини билмайман. Кейинчалик у дори ичиб, ўзини ўзи заҳарлаб ўлдирибди деган гап-сўзлар тарқалди. Ўша кундаги аҳволимга фақатгина ўзим шоҳид.

Орадан йиллар ўтди. Институтни битириб, ҳуқуқшунос бўлдим. Лекин ўзимни ўзим ҳамон кечиролмайман. Сабаби бир покиза қизнинг ўлимига айбдорлигимни ўйлаб эзиламан. Бу қандай адолатсизликки, жазосиз жиноятга ўзига яраша ҳукм бўлмаса? Ўзим ҳуқуқшунос бўла туриб, шу жумбоқнинг ечимини тополмай қийналаман. Сиз кўпни кўрган инсонсиз отахон, айтинг, қандай қилсам бу қиз олдидаги гуноҳимдан фориғ бўламан?

Унинг бу саволига жавоб бериш осон эмасди. Ўйланиб охири: «На илож, ҳаётда шунақа воқеалар ҳам бўлиб туради. Ҳамма гап йўл қўйган хатоларимиздан тўғри хулоса чиқаришда қолган. Сизга нима дейман. Қилмишингизга пушаймон бўлибсиз, шунинг ўзи кифоя. Энди ҳамма гап ўзгалар бундай хатони такрорламаслигида» дедим. Шу боис пушаймон йигитнинг барча айтганларини рўй-рост қоғозга туширдим. Қиссадан хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ХЎРАНДА ҲАМ МЕҲМОН

Сиз бирор чойхона ёки ошхонада чой ичиб, таом тановул қилиб бўлишингиз билан шу жойдаги хизматчилардан бири «Илтимос, жойни бўшатинглар», деб сизни тезроқ туришга ундаса қандай ҳолатга тушасиз. Ҳар қалай, нохуш вазият дилингизни оғритиб, ранжитади. Шаҳримиздаги гавжум бозорлардан бирининг яқинида қатор тизилиб кетган ошхона ва таомхоналардан эрталабдан кечгача хўранда аримайди. Биз ҳам ўтган сешанба куни шу бозорда бўлиб унча-мунча харид қилдик. Ошхоналардан бирига кириб, хордиқ чиқармоқчи бўлдик. Бўш ўринлардан бирига ўтиришимиз билан хизматчилардан бири олдимизга югуриб келди.

— Нима буюртма берасизлар, — дея таомлар рўйхатини санаб кетди. Нон-чой буюрдик. Табиийки, арзон гаров буюртмамиздан хизматчининг кўнгли тўлмади. Бу орада яна у икки-уч бор олдимизга келиб қандай таом келтиришни сўради. Биз рад этдик. Ҳали чойимиз тугаб-тугамас, у яна олдимизга келиб: «Илтимос, тезроқ жойни бўшатсанглар, бошқа хўрандалар кутиб қолишди. Столимиз кам, бўш жойимиз йўқ» деб бизни туришга ундади.

Бу гапдан ҳайрон бўлиб қолдик. Дилимиз оғрисада талашиб-тортишиб, баттар кайфиятимизни бузгимиз келмади. Индамай ўрнимиздан туриб жойни бўшатдик. Кексалар «Меҳмон отангдек улуғ» дейишади. Чойхона ёки ошхонага кирган бегона киши ҳам аслида хўранда эмас, меҳмон саналади. Шундай экан, ушбу ошхона хизматчилари фақат даромадни эмас, одамийлик ёки меҳмоннавозлик қоидаларини ҳам эсдан чиқармасалар ёмон бўлмасди.

## ҲАЛОЛЛИК — ХИСЛАТ

Ҳар бир инсон учун ҳалоллик —кўпчилик бахт-саодати учун яшаш, умум иши учун шахсий манфаатдан ҳам кечиш деган сўз.

Абу Али ибн Сино айтади:

— Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли, ҳалол бўлиш, нафснинг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан иш тутиш, муҳтожларга ёрдам этиш, эзгулик иш, ҳалоллик белгисидир.

Бир донишманддан:

—Қайси ярамас одат ҳамма яхши ҳунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деган жавобни берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши одат ҳамма айбни босади?

— Ҳалоллик ва сахийлик, — деди донишманд.

Ўйлаймизки, бу гапга изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

**ТОШКЕНТДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИДАГИ ИФОДАСИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, манфаатдор вазирлик, идора, ташкилот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари, БМТ ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган анжуманда номи зикр этилган Конвенциянинг барча талаблари мамлакатимиз қонунчилигида тўла акс эттирилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болаларга доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда, уларнинг ҳаётини янада яхшилаш, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари қабул қилинаётган барча қонунлар ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топаётир.

Ўзбекистон ушбу конвенция талаблари ижроси бўйича Миллий маърузаларини БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда тақдим этиб келмоқда. Бу борада Миллий фаолият дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг жорий этилаётир. Юртимизда болаларни ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий ва институциявий тизим яратилган.

Бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжат нормалари миллий қонунчилигимизга тўла имплементация қилинган. Хусусан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят процессуал кодексларида, "Ўзбекистон Республикасида Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларда ўз аксини топган.

Анжуманда таъкидланганидек, бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш борасидаги кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Айнан шу мақсадда Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Айни кунларда ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатлари, мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари томонидан чуқур ўрганилиб, билдирилган тавсиялар ҳамда фикр ва мулоҳазалар асосида янада такомиллаштирилмоқда.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

### ИЛМНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Топар илмдин одам ўғли камол...
Бўлур оқил одам талабгори илм –
Ки, доим қизиқ келди бозори илм.
Кишиға азалда эса бахт ёр,
Қилур ул кимса ўқуш ихтиёр.
Югур илм этокиға, маҳкам кўл ур –
Ки, илминг муродинғға қотиштирур.
Ўқуш айламоқ доим оқил иши –
Ки, беилм бўлмоқ бу – жоҳил иши.

### ЖОҲИЛЛАР СУҲБАТИДАН ҚОЧМОҚ БАЁНИДА

Дило, гар эсанг оқилу ҳушёр,
Жаҳолат элиға даме бўлма ёр.
Қочишликда нодондин ўл тирдек,
Қовушмасда бўл шакару ширдек.
Санго аждаҳо бўлса гар ёри ғор,
Ямон ёрдин яхшидур сад ҳазор.
Агар душмани жонинг оқил эрур,
Гўзал дўстдинким, жоҳил эрур.
Жаҳонда чу жоҳил киши хор йўқ –
Ки, жоҳил каби бир ямон кор йўқ.
Ямондин ямон ишдин ўзга келмас,
Гўзал сўзни андин киши англамас.
Саранжоми жоҳил жаҳаннам бўлур,
Ким жоҳил, гўзал оқибат кам бўлур.
Сари дора жоҳил осилғони хўб –
Ки, жоҳил элин хор бўлғони хўб.
Ямондин ҳазар қилғил, эй тоза дил,
Икки дунёда бўлғунг андин хижил.

### АДОЛАТНИНГ СИФАТИ БАЁНИДА

Адолат нишонидур ороми мулк –
Ки, ҳосил бўлур адлдин коми мулк.
Жаҳонға адолатча меъмор йўқ,
Бийикроқ адолат каби кор йўқ.
Санго яхши мундин
не ҳосил бўлур –
Ки, номинг шаҳаншоҳи одил бўлур.
Саодатдин истар эсанг гар нишон,
Жафо эшигин боғла элга, аён.
Раият дилин сақлагил барқарор,
Ситамдидаларнинг муродин чиқор.

### ҚАНОАТНИНГ СИФАТИ БАЁНИДА

Дило, гар қаноатқа ҳамроҳсен,
Фароғат жаҳони аро шоҳсен.
Қатиғликдин, эй камбағал,
қилма дод –
Ки, мол оқил олидадур, йўла бод.
Фақирликдин оқил нечук қилғай ор,
Паямбаргадур фақрдин ифтихор.
Ғанийнинг эса оқча оройиши
Вале яхши фақр аҳли осойиши.
Чу йўқсан ғаний, қилмағил изтироб,
Шаҳ олмас хирож,
ўлса бир ер хароб.
Қаноат ҳама вақт аро хўб эрур,
Қаноат қилур кимки, маҳбуб эрур.
Қаноатни нуридин эт дилни соф,
Агар некбахт эрсанг, эй бехилоф.

### ҲИРСНИНГ МАЗАММАТИ БАЁНИДА

Бўлан ҳирс домиға, эй мубтало,
Бу ҳирсинг эрур бошқа битган бало.
Адо қилса умрингни
йиғмоқда мол –
Ки, ҳамнарх гуҳарға бўлмас сафол.

ОГАҲИЙ таржималари
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ООО «NONA STAR SERVISE» Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 11 июлдаги 87-сонли рақами билан рўйхатдан ўтган, ИНН 205742659. Таъсисчининг 2007 йил 16 ноябрдаги баённомасига асосан корхона ўз фаолиятини тугатмоқда. Ариза ва шикоятлар икки ой мобайнида Бекобод шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, А уйда қабул қилинади.





*Шахмат*

# ШАҲАР ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**ТОШКЕНТ ШАХМАТ-ШАШКА КЛУБИДА БИР ҲАФТА ДАВОМИДА 1990 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН ВА УНДАН ЁШ ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ШАҲАР БИРИНЧИЛИГИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. БУНДА 120 НАФАР ЁШ ШАХМАТЧИ ШАҲАР ЧЕМПИОНЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТИБ РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИ.**

Мусобақа қоидаларига кўра, бунинг учун 8 гуруҳга бўлинган иштирокчилар 9 тур давомида ўз кучмаҳоратларини кўрсатиб, 1-2- ўринларни эгаллашлари лозим эди.

Мутахассис ва мухлисларда айниқса 50-мактаб ўқувчиси 12 ёшли Нозима Орипованинг умидбахш тарзда дона суриши катта таассурот қолдирди. Нозима ўз гуруҳида қизлар ўртасида ғалаба нашидасини сурган бўлса, ўғил болалар турнирида ҳам иштирок этиб иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Шунингдек, 7 ёшли Ортиқ Ниғматовнинг маҳоратини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир. Мураббий ва ҳакамларнинг таъкидлашларича Ортиқ I катталар тоифаси даражасида ўйнайди ва 10 ёшли Шаварш Бадалян ҳамда Арон Каспаровларга муносиб рақиб ҳисобланади.

Бундан ташқари турнирда 8 ёшлилар ўртасида ғолиб чиққан 6 ёшли шахматчи Иззат Султоновга ҳам омад кулиб боқди, десак янглишмаймиз.

Шундай қилиб, қизлар ўртасида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган гуруҳларда ўз куч-маҳоратини кўрсатган Комила Собирова, Диёра Ортиқова, Нозима Орипова, Полина Вербова, Анастасия Кияткина, Сабоҳат Зайнуддиновалар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишган бўлса, ўғил болалар беллашувларида Иззат Султонов, Шаварш Бадалян, Илья Димитрев, Роман Голубев, Никита Хорошев, Улуғбек Тўраевларнинг қўллари баланд келди. Уларнинг барчаси, шунингдек, иккинчи ўринларнинг соҳиблари эндиликда энг кучлилар билан беллашиш имкониятини қўлга киритишди.

Биринчиликнинг барча ғолиб ва совриндорлари мусобақа ташкилотчилари — Ўзбекистон шахмат федерациясининг шаҳар бўлими, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг пойтахт бўлимлари томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ойбек ШОСАИДОВ**

**СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

*Футбол*

# ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

**ШАҲРИМИЗДА 19 ЁШГАЧА БЎЛГАН ФУТБОЛЧИЛАР ЎРТАСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ ГУРУҲ БАҲСЛАРИ ЯКУНИГА ЕТМАСДАНОҚ АҲМАД УБАЙДУЛЛАЕВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ЎЗЛАРИГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ ВА ЧЕМПИОНАТДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ.**

Дастлабки учрашувда яманлик тенгқурларини 1:0 мағлубиятига учратган ҳамюртларимиз иккинчи учрашувда Иордания терма жамоаси билан куч синашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, учрашув шиддатли ва кескин ҳужумлар остида ўтди. Ҳар икки томон ҳам ғалаба қозониш ниятида эканликларини яшириб ўтиришмади. Ҳатто дастлабки гол меҳмонлар томонидан киритилди. Ана шундан сўнг ҳужумга зўр берган ҳамюртларимиз рақибларини бироз саросимага солиб қўйишди. Чунки кетма-кет уюштирилаётган хавфли ҳужумлар натижасида учрашув якунлангунга қадар Азизов (2та), Шихов (1та) гол йўллаб терма жамоасининг 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишини таъминлашди.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан Аҳмад Убайдуллаев шогирдларини дастлабки довондан муваффақиятли ўтганлари билан чин юракдан қутлаймиз ҳамда келгуси йили ўтказиладиган Осиё чемпионатида ҳам уларга зафарли ғалабалар ёр бўлишини тилаймиз.

**Санобар ИНОЯТОВА**

**КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИ «ЗАНГОРИ ОЛОВ»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. У ЭНГ ҚУЛАЙ ЁҚИЛҒИ СИФАТИДА ТУРМУШИМИЗДА КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛАДИ. АНА ШУ ЁҚИЛҒИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ, ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. АКС ҲОЛДА ОЗГИНА ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИДА ЧИҚҚАН ЁНҒИН ОИЛАГА, ДАВЛАТГА КАТТА МОДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИШИ МУМКИН.**

*«01»*

# «ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН САҚЛАНИНГ

Хавфсизлик қоидалари эса қуйидагилардан иборат. Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан саналади. Турар жой биноси томларида хашак, ўтин ва бошқа тез ёнувчи нарсаларни сақлаш қатъий тақиқланади.

Оловни «тилсиз ёв», дейдилар. Хонадонларда, жамоат жойларида ёнғинга қарши барча эҳтиёт чоралари кўрилиб қўйилиши зарур. Бунда ёнғин хавфсизлиги ходимлари маслаҳати ва кўмагига таяниш фойдалидир. Шундагина биз кўнгилсиз ҳодиса юз беришини, оила ва давлатнинг моддий зарар кўришига барҳам берган бўламиз.

**Рашит НИЁЗОВ, 12- ХЁХО инспектори, катта сержант**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уйда жойлашган, «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ**
**2007 йилнинг 31 декабрь куни соат 11:00 да, бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган**
**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

Савдога, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 10 июлдаги ЖСК-1-612/05-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХга қарашли автомобиллар сақлаш жойида сақланаётган, «AUDI A8S» русумли, давлат рақами 10 W 9999 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаси қўйилади.

**Бошланғич баҳоси — 19 440 000 сўм.**

Автотранспорт билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.**

**Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги МФО: 00901, ИНН: 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.**

**Телефон: 228-79-52, Интернетдаги сайтимиз: www. rkmb.uz**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ 2007 ЙИЛ 6 ДЕКАБРЬ КУНИ СОАТ 11.00ДА ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУЛКНИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН ҲОЛДА ҚАЙТАДАН ҚЎЙМОҚДА**

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2005 йил 29 декабрдаги 10-0518/11362-сонли, 2004 йил 19 ноябрдаги 10-0410/11289-сонли, 2005 йил 11 апрелдаги 10-0518/3643-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, «Toshmuhandisinshootqurilish» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Строитель кўчаси, 40-уй манзилда жойлашган ишлаб чиқариш базасининг бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси- 494 881 305 сўм.**

*Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи; ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.*

«Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган «Д» категорияли ҳайдовчиларни, кондукторларни шаҳар жамоат транспорти йўналишларида ЛАЗ, «М.Бенц», «Исузу» русумли автобусларга

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 200—250 минг сўм, кондукторларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 80—130 минг сўм.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган 21 ёшга тўлганлар махсус ўқув курсларида ҳайдовчилик касбига ўқитилади, ўқиш муддати 6 ой. Ўқувчилар ўқиш даврида стипендия билан таъминланади.

**Мурожаат учун манзиллар:**
**«Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси — Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темур 1-тор кўч. 6-уй.**
**Тел: 134-90-36, 133-59-38.**
**«5-автобус саройи» ОАЖ – Тошкент вилояти, 102206, Бордонкўль қишлоғи (Роҳат кўли яқинида) тел: 295-43-89.**
**«2519-автожамланма» - Тошкент шаҳри, 102165, Иркутск кўч. 20-уй. (Тошкент ҳалқа автомобиль йўли, Қорасув даҳаси) тел: 166-59-38, 265-98-40.**

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИ

**2007 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН 2008 ЙИЛ 13 ЯНВАРГАЧА**

***Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Тошкент давлат цирки барчангизни «ЗОЛУШКА» цирк спектаклига таклиф қилади. Сеҳрли эртакнинг қизиқ воқеалари – сизга мунтазир!***

***Томошалар соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади.***

***Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.***

**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.**


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 12.50